

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НАВРУЗОВА ВИСОЛА САРИМБЕКОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОННИ
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА
РЕЖАЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|---|----|
| Наврузова Висола Саримбековна | 3 |
| Фертил ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратонини даволаш самарадорлигини баҳолаш ва режалаштириш..... | |
| Наврузова Висола Саримбековна | 21 |
| Планирование и оценка эффективности лечения рака шейки матки у женщин фертильного возраста..... | |
| Navruzova Visola Sarimbekovna | 39 |
| Planning and evaluation of the effectiveness of cervical cancer treatment in women of fertile age..... | |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати | 44 |
| Список опубликованных работ List of published works..... | |

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НАВРУЗОВА ВИСОЛА САРИМБЕКОВНА

**ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОННИ
ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА
РЕЖАЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib80 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Юлдашева Наргиза Шавкатовна тиббиёт фанлари доктори |
| Расмий оппонентлар: | Юсупбеков Аброржон Ахмеджанович тиббиёт фанлари доктори Атаханова Нигора Эргашевна тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Қозоғистон онкология ва радиология илмий-текшириш институти (Қозоғистон Республикаси) |

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳамда Онкологик тадқиқотлар халқаро агентлиги (IARC) томонидан қўллаб турилувчи саратон бўйича жаҳон маълумотлари базаси GLOBOCAN 2016 нинг янгиланган варианты маълумотларига кўра, «тухумдонлар ва кўкрак саратони ҳозирги кунда ривожланган давлатларда репродуктив ёшдаги аёллар ичида энг тарқалган онкологик касалликлар бўлиб ҳисобланади»¹. Саратонни ўрганишнинг халқаро агентлиги маълумотларига кўра, «ҳар йили дунёда бачадон бўйинчаси саратони билан 526,4 мингта бемор ва шу касаллик туфайли 274,2 мингта ўлим ҳолатлари қайд этилади»². Ўзбекистон Республикаси аёллари репродуктив тизими онкологик касалликлари ичида «бачадон бўйинчаси саратони (ББС) кўкрак беи саратонидан сўнг иккинчи ўринни, касалланиш бўйича олтинчи ўринни ва барча онкологик касалликлардан ўлим сабаблари ичида еттинчи ўринни эгаллайди»³. Шу билан бирга, сўнгги йилларда янада агрессив даволаш учун организмнинг анча катта потенциал резервига эга бўлган ёш беморлар нисбатининг ўсиб боришга мойиллиги кузатилмоқда. Беморларнинг бу гуруҳида «ББС кўкрак беи саратонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва 11,9% ни ташкил этади, бу эса бугунги кунда мавжуд бўлган даволаш турларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишга ўзгача назар қаратишга ундайди»⁴.

Дунё миқёсида замонавий онкологиянинг ривожланиши аъзони сақлаб қолувчи аралашувларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш ҳисобига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган ёрдам сифатини яхшилашга интилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Онкомаркерлар ва жинсий гормонлар (прогестерон, эстроген) даражасининг аҳамияти ва ўрнини ўрганиш ҳамда тухумдонлар органик ва функционал ҳолатини ўрганишда тиббий визуализация усулларини қўллаш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда фертил ёшдаги аёлларда ББСни комбинацияланган ва комплекс даволаш босқичларида химиотерапиянинг турли усулларини клиник амалиётга татбиқ этиш масалалари энг долзарб бўлиб қолмоқда. Жумладан, ушбу гуруҳ беморларни даволашнинг бевосита, яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини, ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларини ўрганиш масалалари аҳамиятли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтириш борасида мақсадли тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, хусусан,

¹ World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

² G..Chornokur, E.K.Amankwah, J.M.Schildkraut, and C.M.Phelan, "Global ovarian cancer health disparities" *Gynecologic Oncology*, vol. 129, no. 1. pp. 258–264, 2013.

³ Статистические материалы о деятельности учреждений здравоохранения Республики Узбекистан в 2015 году.-Ташкент. -2016. -312 с.

⁴ Palència L., Espelt A., Rodríguez-Sanz M., Puigpinós R., Pons-Vigués M., Pasarín M.I., Borrell C., Spadea T., Kunst A.E. Socio-economic inequalities in breast and cervical cancer screening practices in europe: influence of the type of screening program // *International Journal of Epidemiology*. 2010. T. 39. № 3. C. 757-765.

касалликни эрта ташхислаш, генлар мутациясини ўрганиш ва даволашнинг замонавий юқори технологик усуллари татбиқ этиш ҳисобига ББС узок муддатдаги натижаларини яхшилашда, муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, ББС билан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун турли хирургик ва комбинацияланган даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁵. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, аъзони сақлаб қолувчи хирургик даво турларини оптималлаштириш ҳамда комбинацияланган ва комплекс даво самарасини ошириш йўли билан ББС бўлган фертил ёшдаги аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «ББСнинг юқори частотаси туфайли уни аъзони сақлаб қолган ҳолда даволаш масалалари кўп ўн йилликлар давомида илғор маҳаллий ва хорижий онкологлар диққат марказида бўлиб қолмоқда, бу эса муаммонинг нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам белгилаб беради» (Nguyen AD⁶, Yu JS⁷). Ҳозирги вақтда ББС аёллар репродуктив аъзолари ҳавфли ўсмалари ичида фақатгина клиник жиҳатдан босқичларга бўлинувчи ягонаси ҳисобланади. «Босқичларга бўлиш Гинеколог ва акушерлар ҳалқаро федерацияси (FIGO) мезонларига асосланган» (Arbyn M⁸). Cohen PA⁹ фикрига кўра, «ҳавфли ўсмалар

⁵ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

⁶ Nguyen AD, Hoang MV, Nguyen CC. Medical costs for the treatment of cervical cancer at central hospitals in Vietnam. // Health Care Women Int. 2017 Nov 10:

⁷ Yu JS, Lee D, Lee SR, Lee JW, Choi CI, Jang TS, Kang KS, Kim KH. Chemical characterization of cytotoxic indole acetic acid derivative from mulberry fruit (*Morus alba* L.) against human cervical cancer. // Bioorg Chem. 2017 Nov 7;76:28-36.

⁸ Arbyn M, Redman CWE, Verdoodt F, Kyrgiou M, Tzafetas M, Ghaem-Maghami S, Petry KU, Leeson S, Bergeron C, Nieminen P, Gondry J, Reich O, Moss EL. Incomplete excision of cervical precancer as a predictor of treatment failure: a systematic review and meta-analysis. // Lancet Oncol. 2017 Nov 7. pii: S1470-2045(17)30700-3.

патогенезида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсмаларнинг специфик биологик маркерларини излаш ва ўрганишда жадал ривожланиш жараёни, шубҳасиз, замонавий онкологиянинг аҳамиятли ютуқларидан бири бўлиб ҳисобланади». Уларнинг кўпчилиги етарли даражадаги аҳамиятли мустақил прогностик ва башорат омиллари бўлиб, баъзилари эса ушбу касалликнинг ўсмага қарши даволаш схемаларини танлашда ўз аҳамиятига эга.

ББСни даволашнинг ҳозирги босқичида шундай усуллар мавжуд: хирургик, кўшма нур терапияси, химиотерапия. Atreya S.¹⁰ фикрига кўра, «ББСни даволашнинг асосий усуллари хирургик ва нурлигича қолмоқда, лар алоҳида ва турли комбинацияларда қўлланиши мумкин. Ўтказиб юборилган ҳолларда травматик хирургик аралашув қўллашга тўғри келади, унинг ҳажми эса ўсма жараёнининг тарқанлигига тўғридан-тўғри боғлиқ». Ҳозирги вақтда дунёнинг турли клиникаларида ББС босқичларига боғлиқ равишда даволаш хусусиятлари бўйича тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. «Гинекологик ўсмаларнинг бошқа локализациясидаги турларига нисбатан ушбу беморларнинг нисбатан ёш эканлигини эътиборга олиб, аъзони сақлаб қолувчи даво усуллари жуда ҳам долзарб ҳисобланади» (Silver MI¹¹). Zhu H¹² тадқиқотларида кўрсатилишича, «ББС билан беморлар орасида фертил ёшдагилари 12% дан кам эмас». Ушбу ёш гуруҳидаги беморларнинг кўпчилиги касаллик аниқланганлигига қарамасдан, келажакда репродуктив вазифани амалга ошириш ниятида бўлишади. Бошқа тарафдан эса, «гормонга боғлиқ ўсмаларга нисбатан бу касалликнинг анча автоном ва агрессив кечишини эътиборга олсак, максимал равишда радикал таъсир қилиш зарурати туғилади» (Wang C¹³).

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили ББС билан беморларни даволашда ижобий ривожланиш мавжудлигига қарамай, ҳозирги кунда фертил ёшдаги ББС билан беморларни даволаш самарасини баҳолаш ва диагностикани режалаштиришнинг ягона тактикаси мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, нафақат беморларни даволаш, балки аёл организмнинг асосий функцияларини сақлаб қолиш, ҳаёт сифатини анча яхшилаш, ижтимоий ва рухий реабилитация муддатларини қисқартириш имконини берувчи аъзони сақлаб қолувчи ва функционал-аёвчи ёндашувларни амалга ошириш ҳисобига ушбу патологияни комбинациялашган ва комплекс даволашни оптималлаштиришнинг янги йўллари излаш зарурати туғилади.

9Cohen PA. Questioning the value of margin status in treated cervical precancer. // *Lancet Oncol.* 2017 Nov 7. pii: S1470-2045(17)30839-2.

10 Atreya S. Referral Patterns of Gynecological Cancer Patients to a Palliative Medicine Unit: A 2 Years Retrospective Analysis. // *Indian J Palliat Care.* 2017 Oct-Dec;23(4):409-412.

11 Silver MI, Rositch AF, Phelan-Emrick DF, Gravitt PE. Uptake of HPV testing and extended cervical cancer screening intervals following cytology alone and Pap/HPV cotesting in women aged 30-65 years. // *Cancer Causes Control.* 2017 Nov 9.

12 Zhu H, Zeng Y, Zhou CC, Ye W. SNHG16/miR-216-5p/ZEB1 signal pathway contributes to the tumorigenesis of cervical cancer cells // *Arch Biochem Biophys.* 2017 Nov 7. pii: S0003-9861(17)30567-2.

13 Wang C, Raince J, Swamy U, Park SJ, Zaide L, Mesko S, Demanes DJ, Kamrava M. Clinical outcomes using image-guided interstitial brachytherapy for definitive cervical cancerpatients with high-risk clinical target volumes greater than 30 cc. // *Brachytherapy.* 2017 Nov 8. pii: S1538-4721(17)30479-8.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР ССВ РИОРИАТМ АДСС-15.9.2. «Репродуктив система ва ошқозон-ичак тракти саратонларини даволаш технологияси модернизацияси» (2015-2017йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аъзони сақлаб қолувчи хирургик даво ни оптималлаштириш ҳамда комбинациялашган ва комплекс даво самарасини ошириш йўли билан ББС билан фертил ёшдаги аёллар ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ББС бирламчи диагностикасида тиббий визуализация турли усулларининг имкониятларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

ББС билан фертил ёшдаги аёлларда тухумдонлар гормон ишлаб чиқариш фаолиятини сақлаб қолиш учун аъзони сақлаб қолувчи операция усулини ишлаб чиқиш;

гистерэктомия билан тухумдонлар транспозицияси бажарилганида жинсий гормонлар (прогестерон, эстроген) ҳамда кальций ва фосфор ионлари даражаси динамикасини ўрганиш;

фертил ёшдаги аёлларда бачадон экстирпацияси ва тухумдонларни олиб ташлаш ёки транспозициясидан кейин ҳаёт сифати кўрсаткичларини MENQOL сўровномасига асосан аниқлаш;

ББС билан беморларни комплекс даволашдан кейин яшаб қолиш кўрсаткичларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда ЎзР ССВ РИОваРИАТМ онкогинекология бўлимида текширилган ва даволанган T1b-2bN0-1M0 (I-III клиник) босқичлардаги бачадон бўйни саратони билан 135 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб клиник, ультрасонографик ва комплекс нур текширув натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш давомида кольпоскопик, цитологик, ультратовуш текширувлари, магнит-резонанс томография ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

ББС босқичлари ва ўсма жараёни тарқоқлигини ҳисобга олган ҳолда тиббий визуализациянинг замонавий усулларини қўллаб ва уларнинг информативлиги кўрсаткичларини аниқлаб, касаллик диагностикаси комплекси оптималлаштирилган;

тухумдонларни озиклантирувчи «оёқча»да ва воронка-чаноқ боғламида жойлашган қон томир-асаб боғланишларни сақлаб қолган ҳолда қорин бўшлиғи юқори қаватига транспозицияси билан кенгайтирилган гистерэктомия амалиёти такомиллаштирилган;

ББС билан беморларни комбинациялашган даво усулида гистерэктомия ҳамда тухумдонлар морфофункционал ҳолатини сақлаб қолиш ва транспозициясини назарда тутувчи оптималлаштирилган схемаси

қўлланганда MENQOL сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини яхшиланиши исботланган;

ББС билан беморларни комбинациялашган даво усулида тухумдонлар морфофункционал ҳолатини сақлаб қолиш ҳамда нур ва регионар артериачи полихимиотерапия турли вариантларини назарда тутувчи оптималлаштирилган схемаси қўлланганда яшаб қолиш кўрсаткичларининг яхшиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ББС билан фертил ёшдаги беморларда бачадон ва тухумдонлар органик ва функционал ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш имконини берувчи тиббий визуализация усулларининг қўлланиши, СА-125 ўсма маркери ва жинсий гормонлар(эстроген, прогестерон)нинг аниқланиши, шунингдек, беморларни танлашнинг ишлаб чиқилган мезони аъзони сақлаб қолувчи операцияларга кўрсатмаларни оптималлаштириш имконини берган;

ББС билан фертил ёшдаги аёлларда кенгайтирилган гистерэктомиа бажаришда тухумдонлар транспозициясининг таклиф этилган усули уларнинг гормон ишлаб чиқиш фаолиятини сақлаб қолиш ва ортикларни операциядан кейинги нурланиш соҳасидан чиқариш йўли билан нурли ахталашнинг олдини олиш имконини берган;

ББС билан беморларни комбинацияланган даволашнинг оптималлаштирилган схемасини тухумдонлар транспозицияси билан кенгайтирилган экстирпация ҳамда нурли ва регионар артериачи полихимиотерапия турли вариантлари билан қўллаш ҳаёт сифатини сақлаб қолиш ва яшаб қолиш кўрсаткичларини яхшилаш билан даволашнинг юқори самарасини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланиувчи клиник, экспериментал, морфологик, статистик усуллар билан асосланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб, ББС билан фертил ёшдаги аёлларнинг диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшишидан иборат. Ўтказилган тадқиқот тухумдонлар морфофункционал ҳолатини сақлаб қолувчи операцияни ҳамда нурли ва регионар артериачи полихимиотерапия турли вариантларини назарда тутувчи ушбу патологияни комбинациялашган даволашнинг таклиф этилган оптималлаштирилган схемасини қўллаш натижасида яшаб қолиш кўрсаткичларининг яхшиланиши исботлаган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ББС билан фертил ёшдаги аёлларда кенгайтирилган гистерэктомиyani бажаришда ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган тухумдонлар транспозицияси усули уларнинг гормон ишлаб чиқариш фаолиятини сақлаб қолиш ҳамда ортикларни операциядан кейинги нурланиш соҳасидан чиқариш йўли билан нурли ахталашнинг олдини олиш имконини берганлигидан иборат.

ББС билан беморларни комбинациялашган даволашнинг оптималлаштирилган схемасининг қўлланиши ҳаёт сифатини сақлаб қолиш ва яшаб қолиш кўрсаткичларини яхшилаш билан даволашнинг юқори самарасини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ББС билан фертил ёшдаги аёлларни даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гормон ишлаб чиқарувчи фаолиятни сақлаб қолиш ва нурли ахталашнинг олдини олишга қаратилган «тухумдонларни озиқлантирувчи «оёқча»да ва воронка-чаноқ боғламида жойлашган қон томир-асаб боғланишларни сақлаб қолган ҳолда қорин бўшлиғи юқори қаватига транспозицияси билан кенгайтирилган гистерэктомия усули» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 сентябрдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси) таклиф этилган. Ишлаб чиқилган усул операциядан кейинги даврда фертил ёшдаги аёллар ҳаёт сифати кўрсаткичларини 2,3-5,2 баробар яхшилаш имконини берган;

фертил ёшдаги аёлларда ББС диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий марказининг Жиззах филиали фаолиятига, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ультратовуш диагностикаси билан онкология кафедраси ўқув жараёнига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 9 сентябрдаги 8н-д/25-сон маълумотномаси). Таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланиши ББС билан фертил ёшдаги аёлларнинг узок муддатли яшаб қолиш кўрсаткичларини уч йиллик муддатга келиб 78,6% дан 87,4% гача яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конгресс ва конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан 4 та мақола, улардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган текширувнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текширув мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйинчаси саратони диагностикаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**», деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган ва бешта бўлимдан иборат. Уларда ББС муаммосининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар, клиник жиҳатлар ва замонавий таснифлаш, диагностика хусусиятлари ва ушбу патологияни даволашнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида ББС идентификацияси ва дифференциациясининг кўпчилик жиҳатларида ноаниқликлар мавжудлигига урғу бериб ўтилган. Диагностика мезонлари ва турли усулларини стандартлаштириш масалаларида илмий изланишларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги хулоса сифатида келтирилган. Таҳлил қилинган маълумотларни умумлаштирувчи хулосалар бобни яқунлаган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари**», деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва шунингдек, қўлланган текширувлар ҳақида маълумот кўрсатилган.

Тадқиқотга 2011 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда ЎзР ССВ РИОваРИАТМ онкогинекология бўлимида текширилган ва даволанган ББС билан фертил ёшдаги 135 нафар аёл киритилган. Барча ҳолларда касалликнинг $T_{1b-2b}N_{0-1}M_0$ (I-III клиник) босқичи аниқланган. Тадқиқотнинг белгиланган вазифаларига биноан хирургик даво усули ва комбинациялашган ва комплекс даво таркибида химиотерапиянинг турига қараб беморлар икки гуруҳга бўлинган (1-жадвал). Асосий гуруҳга комбинациялашган ва комплекс даво таркибида хирургик даво сифатида тухумдонларни сақлаб қолган ёки транспозиция ўтказилган ҳолда бачадон экстирпацияси бажарилган 63 та (46,7%) бемор киритилган. Назорат гуруҳини эса комбинациялашган ва комплекс даво таркибида тухумдонларни сақлаб қолмаган ҳолда бачадон экстирпацияси бажарилган 72 та (53,3%) бемор ташкил этган. Ўтказилган даво турига қараб ҳар бир беморлар гуруҳи яна тақсимланган:

- 1 – операция билан қўшма нур терапияси (ҚНТ);
- 2 – тизимли полихимиотерапия, операция ва ҚНТ;
- 3 – эндоартериал регионар узок вақт полихимиотерапия (ЭАРУПХТ), операция ва ҚНТ.

Беморлар ёши 20 дан 45 гача эди – энг меҳнатга қобилиятли вақт. Касалланиш чўққиси 29-45 ёшларга тўғри келиб, беморларнинг ўртача ёши $37,6 \pm 2,1$ ни ташкил этди.

Бирламчи ўчоқ ҳолати ва ўсма жараёни тарқоклиги қуйидагича баҳоланди: ўсманинг жойлашуви (олдинги лаб, орқа лаб, экзоцервикс ёки

эндоцервикс) атроф тўқима ва аъзоларга тарқалиши бор/йўқ, ўсма ўлчамлари, ўсишнинг шакли, параметрал клетчатканинг ҳолати, регионар лимфа тугунларга метастазлар. Ўсишнинг макроскопик турига қараб, ББС билан беморларда, асосан, ўсма экзофит ва эндофит ўсган турлари учради – 56 (41,5%) ва 47 (34,8%), тегишли равишда. 32 та (23,7%) беморда эса ўсманинг аралаш тури аниқланди.

1-жадвал

Даволаш турига боғлиқ равишда бачадон бўйинчаси саратони билан беморларнинг тақсимланиши (n=135)

| Даволаш тури | TNM бўйича босқич | Асосий гуруҳ (n=63) | | Назорат гуруҳи (n=72) | |
|---------------------------------|--|---------------------|------|-----------------------|------|
| | | Абс. | % | Абс. | % |
| 1. Операция + ҚНТ | T _{1b-2a} N ₀ M ₀ | 19 | 30,2 | 21 | 29,2 |
| 2. Тизимли ПХТ + операция + ҚНТ | T _{2b} N ₀₋₁ M ₀ | 23 | 36,5 | 27 | 37,5 |
| 3. ЭАРУПХТ+ операция + ҚНТ | T _{2b} N ₀₋₁ M ₀ | 21 | 33,3 | 24 | 33,3 |
| Жами | | 63 | 100 | 72 | 100 |

Ўсманинг морфологик тузилиши ҳам ўрганилди. Диагноз барча 135 та (100%) беморда тасдиқланди. Барча 135 та беморда гистологик жиҳатдан мугузланиш билан ёки мугузланишсиз ясси ҳужайрали ББС аниқланди, аденокарцинома аниқланган беморларда тухумдонларга метастазланиш хавфи юқори бўлганлиги учун тадқиқотга киритилмади, чунки тадқиқотнинг асосий кўрсаткичи бўлиб тухумдонларнинг транспозицияси билан бажарилган оператив давони анъанавий ортиқлари билан бажарилган экстирпация билан таққослаш ҳисобланади.

Саратоннинг биологик кўрсаткичларидан бири – унинг дифференциалланиш даражасидир. Ўсма ҳужайраларининг гистопатологик дифференциалланишига кўра: G1 – юқори даражали дифференциалланиш 46 та (34,1%) беморда, G2 – ўртача даражали дифференциалланиш 70 та (51,9%) ва G3 – паст даражали дифференциалланиш 19 та (14,1%) беморда аниқланди. Касалликнинг босқичланиши TNM Ҳалқаро клиник классификациясига асосан ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

Касаллик босқичи ва TNM тизими бўйича бачадон бўйинчаси саратони билан беморларнинг тақсимланиши (n=135)

| TNM | FIGO | Асосий гуруҳ (n=63) | | Назорат гуруҳи (n=72) | | Жами (n=135) | |
|---|------|---------------------|------|-----------------------|------|--------------|------|
| | | Абс. | % | Абс. | % | Абс. | % |
| T _{1b} N ₀ M ₀ | IB | 7 | 11,1 | 6 | 8,3 | 13 | 9,6 |
| T _{2a} N ₀ M ₀ | IIA | 12 | 19,0 | 15 | 20,8 | 27 | 20,0 |
| T _{2b} N ₀ M ₀ | IIB | 39 | 61,9 | 47 | 65,2 | 86 | 63,7 |

| | | | | | | | |
|---|----|---|-----|---|-----|---|-----|
| T _{2b} N ₁ M ₀ | ШВ | 5 | 7,9 | 4 | 5,5 | 9 | 6,7 |
|---|----|---|-----|---|-----|---|-----|

Такдим этилган маълумотларга кўра, кўпчилик (63,7%) беморларда касалликнинг IIВ босқичи учради. ББСнинг IIВ босқичи 6,7%, IА босқичи 20,0% ва IВ босқичи 9,6% беморларда аниқланди.

Ушбу гуруҳ беморларини даволаш натижаларини баҳолаш учун ўсма жараёни тарқоклигини баҳолаш ва мавжуд бўлган асоратларни аниқлашга қаратилган клиник-лаборатор ва инструментал усуллар қўлланди, жумладан, гинекологик кўрик, УТТ, кўкрак қафаси рентгенографияси, ректоскопия, компьютер томография, цистоскопия, гистологик ва иммунологик текширувлар, шунингдек, ЖССТ системаси, Карновский шкаласи ва MENQOL сўровномаси бўйича динамикада беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйинчаси саратони комплекс инструментал диагностикасининг самарадорлигини баҳолаш**», деб номланган учинчи бобида турли текширув усулларининг натижалари такдим этилган.

ББС диагностикаси турли усулларининг сезгирлиги ва спецификлиги таҳлил қилинганида, цитологик усулнинг энг паст кўрсаткичлари аниқланди – тегишли равишда 46,4% ва 71,2%.

ББС билан беморлар кул ранг режимда текширилганида (В-режим), бачадон бўйинчасининг дастлабки ўлчамлари 8,9 дан 347,5 см³ гача оралиқда, ўртача 62,4±4,5 см³ ни ташкил қилди. 27,4% кузатувларда бачадон бўйинчасининг дастлабки ҳажми 30 см³ дан ортмаган, 43,9% кузатувларда – 50 см³ дан ортмаган, 28,7% кузатувларда –50-80 см³ оралиғида бўлган.

FIGO классификацияси бўйича бачадон бўйинчасининг ҳажми IВ босқичда 12,5±3,4 см³ (6,3 дан 22,4 см³ гача), IА босқичда – 23,2±11,5 см³ (8,7 дан 44,6 см³ гача), IIВ босқичда – 55,6±14,2 см³ (19,8 дан 103,7 см³ гача) ва IIIВ босқичда – 64,7±14,7 см³ (17,6 дан 147,3 см³ гача) ўлчамларга эга бўлди.

IIIВ босқичда УТТ натижаларига кўра, аъзонинг текис контурлари, аниқ чегаралари ва тўғри шакли аниқланмаслиги хосдир. Бундан ташқари, бир қатор кузатувларда IIIВ босқичда эхографик зичлиги пасайган (25,4%) соҳаларнинг аниқланган, бу эса IА босқичдагига (9,5%) нисбатан янада пастроқдир. ББС билан беморларда ўсманинг ўртача ҳажми 20,1±2,7 см³, МРТ натижаларига кўра эса бу кўрсаткич 28,6±3,8 см³ ни ташкил қилди. Ўсма жараёни борлиги ҳисобига бачадон бўйинчасининг ўлчамлари катталашган, бу кўрсаткичлар УТТ ва МРТ натижаларига кўра фарқларга эга бўлди. Масалан, УТТ натижаларига кўра бачадон бўйинчасининг ўртача ўлчамлари 41,2±2,7 мм ни, МРТ натижаларига кўра эса 45,4±2,5 мм ни ташкил қилган. Шундай қилиб, МРТ натижаларига кўра, бачадон бўйинчасининг ҳам, ўсма тўқимасининг ҳам ўлчамлари УТТ да олинган шу ўлчамларга нисбатан каттароқ бўлган.

Бирламчи ўсма ўлчамларининг катталашиши билан бирга катталашган лимфа тугунлари аниқланиш частотаси ҳам ўсиб боради ва T2 босқичда УТТ натижаларига кўра 16,4% га, МРТ натижаларига кўра эса 23,5% га етиб

боради. Катталашган регионар лимфа тугунлари аниқланиш частотасининг бирламчи ўсма ўлчамларига боғлиқлиги статистик ишончлидир ($p < 0,05$).

Ўсма жараёни характеристикалари (бирламчи ўсма ўлчамлари, регионар лимфа тугунларининг зарарланиши) УТТ ва МРТ натижалари билан таҳлил қилинганда, барча 135 нафар бемордаги операциядан олдинги УТТ да кўрсаткичларнинг нисбатан мос келиши 112 та ҳолатда, МРТ даги кўрсаткичлар эса 123 та беморда кузатилди.

Чаноқ лимфа тугунлари ҳолатини МРТ текшируви натижалари гистологик текширув натижалари билан 40 тадан 32 (80,0% (95% CI: 65,01% - 89,53%)) ҳолатда мос келди. Булардан 13 (32,5% (95% CI: 18,66% - 46,25%)) ҳолатда – чаноқ лимфа тугунларида метастатик ўзгаришлар борлиги ва 19 (47,5% (95% CI: 33,29% - 62,81%)) ҳолатда – метастатик зарарланиш йўқлигида.

Шундай қилиб, $T_{1b-2b}N_0M_0$ босқичдаги ББС диагностикаси турли усуллари информативлиги таҳлил қилинганда, цитологик усул сезгирлигининг нисбатан паст кўрсаткичлари – 46,4% ва баланд бўлмаган спецификлик кўрсаткичлари – 71,2% аниқланди. Кольпоскопияда эса батамом тесқари манзара аниқланди: усул сезгирлиги – 72,3%, спецификлик эса – 45,8%. Ушбу усуллар биргаликда қўлланганда, ҳар бир усул учун «етишмаётган» кўрсаткични кўтариш ва тенглаштириш ҳисобига тегишли равишда 76,5% ва 71,5% га етказиб, диагностика самарасини ошириш имконини беради.

Ўсма жараёни тарқалганлиги характеристикалари (бирламчи ўсма ўлчамлари, регионар лимфа тугунларининг зарарланиши, параметрал клетчатка ҳолати) нур ташхис усуллари натижалари билан таҳлил қилинганда, чаноқ лимфа тугунлари ҳолатини баҳолашда УТТ сезгирлиги 77,7% ни, спецификлиги – 63,3% ни, МРТ эса – тегишли равишда 83,3% ва 76,6% ни ташкил қилди. Параметрал клетчатка инфилтрациясини баҳолашда эса УТТ сезгирлиги 32,4%, спецификлиги – 81,8% ни, МРТ эса – тегишли равишда 83,3% ва 76,6% ни ташкил қилди. Операциядан олдинги УТТ хулосасининг якуний ташхис билан мос келиши 112 (82,9%) ҳолатни, МРТ да эса 123 (91,1%) ни ташкил қилди.

Намойиш этилган текширув натижалари таққосланганда: бимануал ва УТТ натижаларининг мос келиши 135 тадан 58 (43,00% (95% CI: 29,75% - 29,48%)) ҳолатда кузатилди, 77 та беморда (57,04% (95% CI: 41,18% - 70,52%)) эса мослик аниқланмади.

МРТ натижаларини бимануал текшириш натижалари билан таққосланганда, мосликлар 112 тадан 63 ҳолатда (56,25% (95% CI: 41,18% - 70,52%)), мос келмаслик эса 49 ҳолатда (43,75% (95% CI: 29,48% - 58,82%)) аниқланди. Бу ҳолатда, МРТ нинг УТТ га нисбатан баландроқ сезгирлиги кузатилади, ваҳоланки, статистик жиҳатдан сезиларли фарқланиш топилмади ($p=0,12$).

Диссертациянинг «Бачадон бўйинчаси саратони билан беморларни тухумдонларни сақлаб қолган ва транспозицияси усулида хирургик

даволаш хусусиятлари», деб номланган тўртинчи бобида таклиф этилган операция усули натижалари ёритилган.

ББС билан фертил ёшдаги беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, уларда гормонал, жинсий ва рухий-эмоционал фаолиятларни сақлаб қолиш мақсадида биз ўз ичига радикал гистерэктомия, тухумдонларни сақлаб қолиш ва уларни латерал транспозицияси, нур ҳамда полихимиотерапия ва ЭАРУПХТ ни ўз ичига олган комбинациялашган ва комплекс давонинг оптималлаштирилган схемаларини қўлладик.

Тухумдонлар транспозицияси билан бачадон кенгайтирилган экстирпациясининг фарқли хусусияти бачадон ортиқлари (тухумдонлар ва бачадон найлари) ва воронка-чаноқ боғламида жойлашган қон томир-асаб боғланишларини сақлаб қолиш ҳисобланади. Транспозиция натижасида тухумдонлар озиклантирувчи «оёқчада» қорин бўшлиғининг юқори қаватига ўтказилади. Бунда уларни операциядан кейинги нурланиш соҳасидан чиқариш ва нурли ахталашнинг олдини олишга эришилади.

Тухумдонлар транспозицияси усулининг қўлланишининг мақсадлари:

- жинсий гормонлар секрециясини сақлаб қолиш;
- тухумдонларнинг нейроциркулятор занжирни бошқаришда иштирокини сақлаб қолиш;
- эрта остеопороз ривожланишига тўсқинлик қилиш;
- оқсил ва липидлар алмашинуви турғунлигини сақлаб қолиш;
- фертил ёшдаги аёлларда гомеостазни қувватлаш.

ББС билан операция бажарилган барча беморларда албатта кенгайтирилган лимфодиссекция ўтказилди.

Қон томир-асаб боғламининг қорин парда ичи ўтказилиб, бачадон ортиқларининг қорин бўшлиғидан жойлашиши уларнинг меъёрда фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратади ва бизнинг усулда тухумдонлар транспозициясини ўтказишнинг муҳим жиҳатларидан бўлиб ҳисбланади.

Тухумдонлар транспозицияси бир неча босқичларда ўтказилади:

тухумдон ва бачадон найи қон томир «оёқчаси» бўйлаб 10-12 см узунликда ажратилади; беморнинг анатомик хусусиятларига қараб бу узунлик ўзгариши мумкин;

тухумдонлар юқори ва пастки қутблари тантал қисқичлар билан белгиланади, уларнинг бириктирилиши алоҳида ипак тугунлар билан амалга оширилади; натижада уларни қорин бўшлиғи рентгенографиясида осонгина кўриш имконияти юзага келади;

қисқичлар ёрдамида ортиқлар қорин парда ичи юқори қаватига ёнбош каналлар орқали ўтказилади. Қон томир «оёқчаси» айланиб, букилиб ёки босилиб қолиши, чўзилиб кетишига йўл қўймаслик учун устидан қатъий назорат зарур бўлади. Акс ҳолда, қон айланиши бузилиши натижасида тухумдонлар ишемияси ва некрозига олиб келиши мумкин;

ковурға ости соҳасида қорин деворининг ёнбош қисмларига ортиқларнинг алоҳида ипак тугунлар билан бириктирилиши бажарилади; бу билан қўшимча тешиқлар ҳосил бўлиши ва уларга ичак ковузлокларининг кириб қолиши олди олинади; қон томир «оёқчаси» қорин пардага ўралган

ҳолида қорин ёнбош девори қорин пардасига тез-тез тугунли чоклар билан бириктирилади ва шу йўл билан тухумдонларни операциядан кейинги нурланиш соҳасидан чиқаришга эришилади; топометрия ўтказилганида уларнинг жойлашуви қорин бўшлиғи рентгенограммасида аниқланади.

Кейинчалик асосий босқич бажарилади – бачадон кенгайтирилган экстирпацияси, у бачадонни қиннинг юқори учдан бир қисми ва паракольпал клетчатки билан бирга олиб ташлаш, икки томонлама ёнбош-ёпқич лимфаденэктомиyani ўз ичига олади. Хирургик ҳаракатларнинг бундай кетма-кетлиги тухумдонлар ва қон томир «оёқча»ларининг сақлаб қолинишини таъминлайди.

Қорин парда бутунлиги ва ичак қовузлоклари анатомик ҳолати тиклангандан сўнг ортиқлар жойлашувининг кўшимча визуал назорати ўтказилади. Аъзолар олиб ташланганидан сўнг операцион жароҳатда асосий анатомик тузилмалар аниқ кўринади: қон томир-асаб боғламлари (умумий, ташқи ва ички ёнбош артериялари ва веналари), сийдик найлари, ёпқич нервлар, қиннинг чўлтоғи, сийдик қопи ва тўғри ичак. Ингичка ичак қовузлоклари қорин бўшлиғининг юқори қаватида бириктирилган.

